

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

Ishonch

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Юрт манзаралари



23 апрель кунни Тошкентга келган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Кэмерон Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоевнинг қабулида бўлди.



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Кэмеронни қабул қилди.



Татаристон раиси Рустам Миннихонов Навоий вилоятига келди. Уни Навоий темирйўл вокзалида Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов кутиб олди.



23 апрель кунни Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида Ислам олами уюшмаси Олий Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холлиқназаров Ислам олами уюшмаси Олий Кенгаши аъзوليғига қабул қилинди.



Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг илк араб тилидаги «Ўткан кунлар: Туркистондаги аҷиб севги қиссаси» деб номланган нашри тақдими бўлиб ўтди.

Машҳур асар таниқли таржимонлар Айн-Шамс ва Муҳаммад ал-Жибали томонидан араб тилига ўтирилган. Китоб тақдими Абдулла Қодирийнинг 130 йиллиғига нишонлаш доирасида ёзувчи набираси Хондамир Қодирий, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзолари, мамлакат ОАВ вакиллари, ёзувчи ва нуфузли журналистлар иштирокида ўтказилди.



24 апрель кунни Тошкент шаҳрида навбатдаги «Автомобилсиз кун» акцияси ўтказилди.

Сентобда баҳор

Суратда: Навоий вилояти Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи. Эъзога УМРЗОҚОВА олган сурат

Ўзбекистон касаб
уюшмалари
Федерациясида
куну тун
фаолият
кўрсатадиган
қисқа
рақамли

1211

«Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га
мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар
ўз муаммолари
бўйича исталган
вақтда мурожаат
қилишлари
мумкин.



Наманган
вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...



ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Шу йилнинг 29 март кунни «Сиздан телеграм» телеграм канали орқали тарқатилган «Прокуратура 701 ходимнинг мошини ушлаб қолиш тўғрисида кўрсатма берибди» номли хабар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Учкўрғон тумани прокуратураси томонидан Учкўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Унга қўра, бирлашма бошлиқларининг 11 та буйруғи асосида 701 та ҳолатда ходимларга жами 1 миллиард 364 миллион 822 минг 200 сўм бюджет маблағлари моддий ёрдам ва мукофот (рағбатлантириш) учун асоссиз тўлаб берилган. Прокуратура терговчиси томонидан ушбу маблағларни 2024 йил март ойи иш ҳақи ҳисобидан ходимлардан (рўйхат асосида) ушлаб қолиш ва вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобрақамига ўтказиш тўғрисида бирлашма бошлиғи номига топшириқ хати киритилган. Меҳнат инспекцияси му-

тахассислари томонидан терговчининг ушбу топшириғи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмагани боис ходимларнинг ойлик иш ҳақларидан мажбурий ушлаб қолиш ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида иш берувчига қўриб чиқишли мажбурий бўлган ёзма кўрсатма киритилди.

Натижада, Учкўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари иш ҳақларидан қонунга ҳилоф равишда ушлаб қолинишининг олди олинди.

Абдурашид РЕДЖАПОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгашининг Наманган
вилояти бўйича меҳнат
ҳуқуқ инспектори

ХОДИМЛАР ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиали шифокори Б.Ҳайдаров малакали шифокорларга тўланиши лозим бўлган қўшимча тўловларни ололмаётганидан шикоят қилиб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади.

Масъуллар аризани ўрганиб чиқиш асносида аниқланган камчиликларни илова қилган ҳолда иш берувчига тақдимнома кириштирди. Аммо Республика тез тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали раҳбарияти мазкур ҳужжат талабларини бажаришдан рўй-рост бош тортди. Оқибатда иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг қарори билан иш берувчидан Б.Ҳайдаров фойдасига 9 000 000 сўм маблағ ундириб берилди.

Шунингдек, шу марказ филиалида бош фельдшер бўлиб ишлаб келаётган Г.Исмаилова бултурги йилнинг иккинчи, учинчи чораклари учун устама тўлаш ҳақида унинг фойдасига чиқарилган буйруқ пайсалга солинаётганидан норози бўлиб, арзи ҳол қилди.

Мурожаатни синчковлик билан ўрганган меҳнат ҳуқуқ инспектори Республика тез тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилояти филиали директори номига кўрсатма хати йўллади. Мутасаддиларнинг бунга муносабати эса худди аввалгидек бўлди. Иш яна судга оширилди. Адолат қўрғонининг қарори билан ходим фойдасига 15 308 267 сўм миқдо-

рида маблағ тўлаб берилди.

Н.Муратова ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндашгани, жамоат ишларида фаоллик кўрсатгани, тез тиббий ёрдам сифатини оширишда муносиб хизмат қилиб келаётгани боис иш берувчининг тегишли буйруғи билан ойлик устама олиши лозим эди. Бироқ ҳужжат кундалик ҳаётда амалий ифодасини топмади.

Меҳнат ҳуқуқ инспекторининг кўрсатмаси билан илҳомий ечим топмаган иш охир-оқибат судда ходим фойдасига ҳал бўлди. Иш берувчи ходимга 14 556 533 сўмни қўртдай санаб берди.

Меҳнат ҳуқуқ инспекторининг бир неча нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқини кўзлаб, йўллаган кўрсатма хати ҳам эътиборсиз қолдирилган эди. Лекин бу Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиали директорига қимматга тушди.

Айни шу иш доирасида 4 нафар ходимга 17 580 682 сўм миқдорида маблағ тўлаб берилди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



